

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИКАДИ.

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



СУРАТЛАРДА: ишонч ёрлиқларини топшириш маросими.



Р. ШАГАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

31 октябрь куни Исроил Давлатининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Моше Гец мамлакатимиз Президентини Ислом Каримовга ишонч ерлигини топширди.

Элчи Исроил Давлати катта иқтисодий имкониятларга эга бўлган Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашни таъкидлар экан, унинг муваффақияти дунёда, жумладан, Марказий Осиёда тинчлик ва оқилоллик қарор топишида муҳим аҳамиятга эгалигини айтиди. Ўзбекистон олий бораётган кўп томонлама ва очқ сиеат мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар ривожига омил бўлишини қайд этди.

Ислом Каримов жаноб Моше Гецни масъулиятли ва шарафли лавозимга тайинлашни билан кутлар экан. Ўзбекистон Исроилнинг араб мамлакатлари билан ўрнатилган тинчлик сиеатини қувватлашни таъкидлади.

— Биз Исроилнинг етакчи фирмалари билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатмоқдамиз, — деди Ўзбекистон Президентини. — Бу мамлакатимиз

иктисодий ривожлантиришда бизга қўл келди. Биз иқтисодий сиеатга аралаштирмаслик тарафдоримиз.

Президент Ислом Каримов Моше Гец жанобларининг Ўзбекистон — Исроил муносабатлари ривожига катта хисса қўшишига умид билдириди.

\*\*\*

Иордания Хошимийлар подшоҳлигининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Валид Маждид Ас-Саад Ал-Батайних шу куни Президент Ислом Каримовга ишонч ерлиги топширди.

Жаноб Валид Маждид Ас-Саад Ал-Батайних Ислом Каримовга ва Ўзбекистон халқига Иордания Хошимийлар подшоҳи Хусайн Бин Талолнинг салому ва эзгу тилакларини етказди. Подшоҳ ва валиахд аъло хазратлари номидан мамлакатимиз халқини истиклолнинг уч йиллиги билан табриклади. Масъулиятли вазифага киришар экан, мамлакатимизни ўзаро ҳамкорлиги ривожланган икки дўст давлат даражасига етказишда Ўзбекистон рахбариятининг мададига умид билдириди.

Ислом Каримов мамлакатларимиз тарихи ва маданиятларидаги эмас, балки сиеатларида ҳам монанд жиҳатлар мавжудлигини таъкидлади.

— Ўзбекистон халқро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли азосидир, — деди Ислом Каримов, — шу сабабли биз Иордания билан Исроил ўртасида яқинда имзоланган тинчлик битимини қувватлаймиз. Бу Яқин Шарқда ва бутун дунёда тинчлик қарор топишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Президентини элчи орқали Иордания Хошимийлар подшоҳи, Валиахд аъло хазратлари ва бутун Иордания халқига кизин салом ва эзгу тилаклар йўллади. Элчининг хайрли ишида муваффақият тилади.

\*\*\*

Шу куни Албаниянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Арбен Панди Цици ҳам Ўзбекистон Президентига ишонч ерлигини топширди.

Ишонч ерлигини топширар экан, жаноб Арбен Панди Цици Ўзбекистон рахбарига Албания Республикаси Президентини Сали Берешининг кизин саломини етказди. Албания халқро ҳамжамиятда

муносиб ўрин эгаллаётган Ўзбекистон билан барча соҳаларда ўзаро манфаатдорликка асосланган дўстона муносабатлар ўрнатиш тарафдори эканини айтиди ва элчи сифатида бу борада барча чора-тадбирлар қўришга тайёрлигини билдириди.

Ўзбекистон Президентини жаноб Арбен Панди Цицини Албаниянинг Ўзбекистондаги илк элчиси этиб тайинлангани билан кутлади. Албания Ўзбекистонга ҳосилдор заминни, гўзал табиати, бой кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, меҳнаткаш ва самимий халқи билан маълумлигини, бу Албаниянинг демократия ва барқарорликка асосланган янги жамият қуришида омил бўлишини таъкидлади.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатия муносабатларининг ўрнатилиши, бир-биримизни янада яқинроқ билишга ҳамда самарали ҳамкорлик қилишга имкониятлар яратди, — деди Ислом Каримов. — Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни мустахкамлаш борасидаги саяё-харакатларининг Ўзбекистон рахбарияти ва халқи томонидан қўллаб-қувватлашига шубҳа йўқ.

(ЎЗА).

## 25 декабрь — сайловлар куни ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА

Биз илгари халқ депутатлари кўрсатиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловлар тўғрисида"ги қонунининг 22-моддасига мувофиқ, сессияларда халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашига номзодлар кўрсатилди.

Сессиялар ишида вилоят ҳокимининг биринчи муовинлари Э. Рўзиев, Л. Терновх, муовинлари А. Раҳимбоев, Ҳ. Хамидов, А. Бозоров, А. Аҳмедов, шунингдек, вилоят ҳокими ижроия маҳкамасининг қатор масъул ходимлари, вилоят ҳокимлиги бошқарма ва бўлималарининг бошлиқлари иштирок этдилар.

## «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИЧА

### ВИЛОЯТ ТУМАНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1994 йил 1 ноябргача бўлган МАЪЛУМОТ (режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Туманлар	бир кунда	мавсум бошидан бўён	шу жумладан машинада терилгани	
			бир кунда	мавсум бошидан
ЎРТАЧИРЧИК	0,66	102,40	0,09	83,02
Қуйчиқирчиқ	0,74	97,47	0,31	84,35
Юқоричиқирчиқ	0,86	97,02	-	73,98
Чиноз	0,87	92,26	0,54	66,75
Оққўрғон	0,80	91,92	0,20	67,71
Бўка	0,93	89,68	0,39	50,30
Янгийўла	1,06	80,90	0,70	38,29
Пискент	1,04	80,55	0,13	34,93
Бекобод	0,82	74,07	0,28	26,24
ВИЛОЯТ БЎЙИЧА	0,85	89,33	0,27	58,17

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТУМАНЛАРИ ХЎЖАЛИКЛАРИДА, ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1994 ЙИЛ 1 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

ЎРТАЧИРЧИК ТУМАНИ	“Ойтағали”	70,53
Кям Пен Ха	Оқунбобоев номили	70,46
“Тулистон”	“Қаҳрамон”	70,37
“Роватка”		
Оқунбобоев номили	21— СПТУ	111,54
А. Икромов номили	“Саркент”	111,47
“Корасув”	Саймоков номили	103,58
ТННМСХ	Азаматов номили	102,45
“Хажикат”	“Бўстон”	102,39
“Кайтмак”	Хожиматов номили	101,29
“Ўртасарой”	“Ачамайли”	98,58
“Северный маяк”	“Туркистон”	95,20
ТашДАД хўжалиги	“Роват”	95,20
“Ўзбекистон”	Йўлдошев номили	93,54
Навой номили	Навой номили	93,33
“Истикбол”	Умаров номили	91,02
“Янги турмуш”	“Бўка”	90,37
“Янги тўлқин”	“Дўстлик”	88,01
	Фермер хўжалиқлар	87,85
	“Бахмал”	86,77
	Жамбул номили	86,01
	“Хўжақўрғон”	81,09
	“Ўзбекистон”	77,94
	Ражабов номили	74,56
	“Кўкор”	69,01
	“Қашқадар”	67,38
	Улутбек номили	62,27
	АНГИЙЎЛ ТУМАНИ	
	УЗМНС	100,03
	“Қовунчи”	89,79
	Мирзобобоев номили	89,23
	Ортиқов номили	88,12
	“Тинчлик”	87,91
	ЎЗНИИМЭ	83,99
	ОСЛК	82,30
	ОСЛК	80,35
	А. Ясавий номили	75,83
	“Ўзбекистон”	75,83
	“Юкоричиқирчиқ”	75,73
	Ийкота номили	74,02
	Жамбул номили	60,38
	ПИСКЕНТ ТУМАНИ	
	11—СПТУ	101,50
	“Пискент”	96,57
	“Туркистон”	91,21
	Оқунбобоев номили	86,12
	“Киркиқобод”	80,39
	Хайдаров номили	79,00
	Навой номили	75,63
	“Мустақиллик”	74,38
	“Дўстлик”	71,61
	Қодиров номили	56,63
	БЕКОбОД ТУМАНИ	
	А. Навой номили	98,22
	“Фарход”	94,76
	“Галаба”	90,58
	“Ўзбекистон”	84,61
	Ойбек номили	81,20
	“Далварзин”	81,02
	“Хос”	78,71
	“Навабахор”	78,62
	Бобур номили	73,13
	“Бекобод”	71,28
	Улутбек номили	67,93
	Мавлонов номили	60,37
	“Дехқонобод”	58,92
	“Авангард”	47,23
	“Сароз” ширкати	43,61

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

31 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов Россия Федерациясининг чегара қўшинлари бош қўмондони генерал-полковник Андрей Николаевни қабул қилди.

Сўхбат чоғида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларнинг жанубий чегараларини биргаликда қўриқлаш масалалари ҳамда Тожикистон-Афғонистон чегарасидаги вазият юзасидан фикрлашиб олинди.

(ЎЗА).

1 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов АКШнинг “Дановант Энтерпрайзис” компанияси раиси В. Дановант рахбарлигидаги ишбилармонлар делегациясини қабул қилди.

Ўзбекистон Президентини “Дановант Энтерпрайзис” компанияси жаҳон пахта бозорини орттирган тажрибаси билан машғурлигини таъкидлаб,

компаниянинг “оқ олтин” етиштирувчи Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлишини айтиди.

Жаноб В. Дановант самимий қабул ва Ўзбекистон замининида кўрсатилган меҳмондўстлик учун миннатдорлик изҳор этар экан, мамлакатда ишбилармонларга яратилган шарт-шароитлар, айниқса, барқарорлик самарали ҳамкорлик учун қулай имкониятлар яратишини қайд этди.

Сўхбат чоғида жаҳон пахта бозорларида биргаликда фаолият юргизиш, Ўзбекистондаги пахтани қайта ишловчи заводларни замонавий технологиялар билан жиҳозлашда, мутахассислар тайёрлашда муваффақият юзасидан фикрлашиб олинди. Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Ҳ. Султонов иштирок этди.

(ЎЗА).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИГА БЕРИЛАДИГАН КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Истеъмол товарлари ва хизматларнинг бозор нархларини шакллантириш шароитларида аҳоли турмуш даражасини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. 1994 йилнинг 1 ноябрдан Ўзбекистон Республикаси аҳолисига берилмаётган амалдаги ҳар ойлик компенсация тўловлари 1,5 баравар — 100 сўмдан 150 сўмгача кўпайтирилсин.
2. Кўрсатилган компенсацияларни тўлашнинг амалдаги тартиби ва шартлари сақлаб қолинсин.
3. Белгилаб қўйилсинки, хўжалик ҳисобидида корxonалар ва ташкилотларга компенсациялар миқдори (150 сўмнинг) 50 фоизи Республика бюджет ҳисобидан қопланади, даромад солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар чоғида ана шу миқдор истисно қилинади.
4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги уч

кун мuddатда мазкур Фармондан қелиб чиқадиган ўзгартиришларни компенсациялар тўлашнинг муваққат тартибига киристин ва уларни вазирлиқлар, идоралар, концеврлар, корпорациялар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлигига етказсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 31 августдаги Фармонининг 1 ва 6-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини  
И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
1994 йил 31 октябрь.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 20 ва 22-моддаларига мувофиқ, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш кизин давом этмоқда.

Шу йилнинг 26 октябрдан бутунги кунга қадар халқ депутатлари Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Қашқадар вилоятлари кенгашларининг ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг сессияларида ушбу

хуудлардан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатилади.

Юқасқ ишонча сазовор бўлган депутатликка номзодлар орасида ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, муҳандислар, ўқитувчилар, солиққини сақлаш, жамоа хўжалиги, акционерлик-тижорат, маданият, санъат ходимлари, вилоят, туман ва шаҳар хокимлари, халқ хўжалигининг бошқа турли соҳаларидан вакиллар бор.

Марказий сайлов комиссияси юқорид

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ О.Орифов, Н. Зокиров ва бошқаларни авф этиш тўғрисида

Маҳкумларнинг авф этиш тўғрисидаги ил-тиросомаларининг, жамоат бирлашмаларининг мазкур ил-тиросомаларга оид тақлифларини қўриб чиқиб ҳамда уларнинг содир этган жиноятларидан пшаймонликларини, келажакда ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан жамиятга

хизмат қилиш ҳақидаги истақларини, шунингдек, уларнинг оила аъзоларининг моддий жиҳатдан оғир аҳолидалигини эътиборга олиб, қуйилган авф этилиб, жазони ўташдан озод этилсин:

1. Орифов Отаназар
2. Зокиров Носир Идрисалиевич
3. Охунов Пулатжон Алимович
4. Турсунов Иномжон
5. Умурақов Салават Хайруллаевич

**Ўзбекистон Республикаси Президентини  
И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
1994 йил 1 ноябрь.

## ХДПНИНГ II ҚУРУЛТОЙИ

1 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II Қурултойи бўлди. Унинг ишида партиянинг жўялардаги ташкилотларидан сайланган 280 делегат ҳамда меҳмонлар катнашди.

Маълумки, Халқ Демократик партияси 1991 йилнинг худди шу кунини тузилган эди. Ҳозир унинг сафида 374535 нафар аъзо бор.

ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов партия ташкил топтиришга 3 йил тўлишини муносабати билан мамлакатимиз Президентини Ислом Каримовнинг қурултой катнашчиларига, шунингдек, партиянинг барча аъзоларига билдирган самимий тилакларини етказди.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўладиган сайловлар тўғрисидаги масала ва Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг навбатдаги вазифалари муҳокама этилди. Партия кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг ана шу ҳақдаги маърузаси тинланди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, мамлакатимизда ўтажақ сайловларга хорижий давлатлар, нуфузли халқро ташкилотлар катта кизкиш билдирилмоқда. Жаҳонда Ўзбекистон тиланган ўзига хос тараққиёт йўли, унинг истиклол куч бахш этган дадил оидимлари, ривожланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш борасидаги муваффақиятли саяё-харакатларини қўллаб-қувватловчи хайрихоҳ дўстларимиз кўп. Аммо шунинг баробарида килаетган ишларимиз, ислохотларимиз самаралари, сиёсий тузумимиз-

(ЎЗА).

## “ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ” ПАРТИЯСИ ҚУРУЛТОЙИ

“Ватан тараққиёти” парламент типидидаги партия бўлиб, жамиятда ижтимоий барқарорлик сақланишига, ислохотларни муваффақиятли ўтказилишига кўмаклашиш, буюк давлат барпо этиш йўлида саяё-харакатларни бирлаштириш учун хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ҳозир унинг сафида 35 мингдан зиёд аъзо бор.

Кунини кеча Тошкентдаги Киночилар уйида “Ватан тараққиёти” партиясининг навбатдан ташқари иккинчи қурултойи бўлиб ўтди. Унинг ишида партиянинг туман, шаҳар, вилоят ташкилотларидан сайланган 300 нафар делегат ва меҳмонлар катнашди. Қурултойда “Ватан тараққиёти” партияси раиси вазифасини бажарувчи Анвар Йўлдошев партия раиси этиб тасдиқланди.

Сўнг партиянинг долзарб вазифалари ва сайловолди дастури тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Партия раиси Анвар Йўлдошев шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар Ўзбекистоннинг табиий ва илм-зиё салоҳиятидан оқилона фойдаланиб, ишбилармон, тадбиркорларнинг саяё-харакатларини ҳуқуқат режаларига мувофиқлаштириб, шу йўл билан мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан

(ЎЗА).

юқсалтириш ҳамда эркин бозор муносабатлари асосида Ўзбекистонни дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бирига айлантириш учун курашиш партиянинг олий мақсади эканини таъкидлади.

Қурултойда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20- ва 22-моддаларига мувофиқ шу йилнинг 25 декабрида бўладиган биринчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Улар орасида ўз меҳнати ва мохир ташкилотчилиги билан элнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган кишилар — тадбиркорлар, ишчи ва хизматчилар, фермерлар, ишлаб чиқариш рахбарлари, энелилар, маҳалла кўмитаси фаоллари, байналмилалчи жангчилар бор. Кўрсатилган номзодларнинг барчаси қурултой делегатлари томонидан тасдиқланди.

Қурултойда партия низомига ўзгартиришлар киритилди. Партия фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қурултой ишида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев катнашди.

(ЎЗА).



# ОФФАРИН, ЎРТАЧИРЧИҚЛИКЛАР!

## ЗАФАРИНТИЗ МУБОРАК БУЛСИН!

- Ўртачирчиқликлар қабул пунктларига 34700 тоннадан ортиқ хом ашё топширилди.
- Мавсум давомида 200 та терим машинаси билан ҳосилнинг 22 минг тоннага яқини териб олинди.
- Пахта даладарига 19 мингта яқин теримчи садоқат кўрсатиб ишлади. Туман раҳбарияти етиштирилган ҳосилни тез ва сифатли териб олишда жонбозлик кўрсатган ҳудуддаги барча sanoat корхоналари, ташкилотлари, муассасалар жамоаларидан бехад миннатдор.

- Бунёд этилган катта хирмонда 6 минг нафардан кўпроқ чирчиқлик, минг нафардан кўпроқ оҳангаронлик ҳашарчиларнинг ҳам муносиби улуши бор.
- Улкан хирмонга Ким Пен Хва номли, "Гулистон" корпорациялари, Охунбобоев номли, "Роватак", Акмал Икромов номли, "Ҳақиқат", "Қорасув", жамоа хўжаликлари, ТИИМСХ ўқув-тажриба хўжалиги пахтакорларининг қўшган улушлари салмоқли бўлди.

ОРАМИЗДА умр мазмунини халққа салоқат билан хизмат қилишда деб тушунадиган ва шундан ором топадиган инсонлар кўп. Акмал Икромов номли жамоа хўжалиги раиси Фозил ака Маматқулов ана шундайлар тоифасидан. Раис билан учрашгунга қадар Уйшун фуқаролар йиғини оқсоқоли Муҳаммаджон Умиров бизга Фозил ака ҳақида: "Ўта ташкилотчи, серғайрат ва фидойи одам, элпарварлиги, ишчанлиги туфайли қаерда меҳнат қилмасин, юксак обрў ҳамда эътибор топиб келмоқда. У олдин меҳнатқашларга шароит яратиб, кейин иш талаб қилди", дея қисқача тавсиф берган эди.

Мулоқотимиз мобайнида раиснинг бу фазилатлари унинг таржман холига катта маъно бахш этганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Ф. Маматқулов оддий кетмончи, дала ҳисобчиси, ҳосилот, рас муовини ва нихоят далага отланди. Пахтазорларда 15 та терим машинаси тиним билмай ишлади. Гектардан ўртача 32 центнердан ҳосил олган Урмонли Тоғжон бешлик бригадаси 6 иш кунинда, 30 центнердан ҳосил олган Камбар Сафаров, Турсунмаст Бойжаков, Эркин Бўрибоевлар бешлик бригадаси 8-10 кун мобайнида йиллик режаларини бажариб бошқаларга иборат кўрсатдилар. Хар қачонгидек механизаторлар ҳам суръатга-суръат кўшиб ишладилар. Кунига 10-12 тоннадан пахта териб, хирмонга 120-130 тоннадан ҳосил тўққан Боймат Турдибоев, Мирсоли Қўлбаев, Давлат Холматовлар меҳнати муносиб тақдирланди. Хўжаликда йиллик режани бажаришда ердამга келган Чирчиқ тиббет билим юрти талабалари, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва утта чидамли металл комбинати ишчилари алоҳида ғайрат кўрсатдилар.

— Фозил ака ташаббускор

## УМИД, ИШОНЧ, САМАРА

АГАР мавсум бошлангичда пахта тайерлашнинг бориши тўғрисидаги маълумотни кўздан кечириб турган бўлсангиз, биласиз. Ўртачирчиқ тумани рўйхатининг энг охирида эди. Ана шунда айримлар асл, фидойи деҳқонлари билан ном чиқарган, пахтачиликда бой тажрибага эга бўлган бу туман меҳнатқашлари нима бўлди, деб ажабланишганди. Лекин, кўпчилик ўртачирчиқликларнинг тажрибаси, маҳорати, талбиркорлиги-ю, фидойилиги ишонарди. Қолаверса, "яхши от кейин чапиди" деган гап ҳам бор эди.

Мана бугун умидлар рўебга чиқди. Агар туманларни пахта фронтида жавлон ураётган чавандозларга ўхшасат, ўртачирчиқлик чавандозлар гўдакни гўя эпчиллик, усталлик, чакконлик билан ериб ўтиб, мана-ман деган шунқорларни ҳам орда қолдириб, улоқни биринчилардан бўлиб маррага олиб келдилар.

Гап шундаки, "Ўзбекистон", "Янги тўқин" жамоа хўжаликлари юқоридан тақлиф этилган меҳнат усулларини рад этидилар. Умум бўлиб ишлаймиз, дедилар. Мана, энди бутунга келиб, чакки қилган эҳсимиз, дейишяпти. Уларнинг маррага етишлари амри — маҳол бўлиб турипти.

Биламиз, ҳозир иқтисоди, таъминот масалаларида муаммолар кўп. Лекин, бу муаммоларни ҳал қилмасдан туриб одамлардан иш талаб қилишнинг ўзи ҳам инсофдан эмас. Мутасаддилар, туман ҳокимлиги бутун еза ва йиғим-терим давомида бу масалага гўя катта аҳамият бердилар. Деҳқонларни ижтимоий химоялаш билан ҳар бир раҳбар, ҳар бир мутасадди астойдил шугулланди. Шу туфайли туманда кншлқ меҳнатқашларини, айниқса, далада ишлаётганлар таъминотда узилиш бўлмади. Пахта ети, шакар, гуруч, ун ва бошқа кундалик рўзгор учун зарур озиқ — овқат маҳсулотлари етказиб бериб турилди. Уларнинг самараси кун-бақун сезилди.

Бунинг ўзи бўлмади, албатта. Бунинг учун, энг аввало, асослар бор эди. Иккониятлар яратилганди. Гап шундаки, ўртачирчиқликлар айримларга ўхшаб, гўзанинг кўкига маҳлине бўлиб, гектарлардаги кўчталарнинг, ҳар тўп гўзалдаги кўсакларнинг сонига ишониб қолмадилар. Хар бир хўжаликда не-не маънақатлар билан ундириб олинган ниҳолларнинг ҳар тўп ардоқда бўлди, ҳар тўпнинг серҳосил бўлиб ўсиши чоралари кўрилди. Жойларда меҳнати ташкил этилишини оила, ижара, деҳқон фермерчилик усуллари ташкил этилганлиги пахтакорлар учун ерга эгаллик ҳиссини амалда тўйишларига қафолат бўлди. Улар ерни тайерлаш учун ички, парваршиш ишларида ўзлари жон қойишдилар. Ахир жон ачиса, ишнинг самараси ҳам яхши бўлади-да.

Туманда мавсум бошидан қўл теримга сафарбарликни кучайтириш билан бирга бор машиналардан тўла фойдаланиш чоралари кўрилди. Мана, пахта тайерлашнинг бориши ҳақидаги маълумотта қараймиз. 9 та тумандан 2 тасида машинада пахта териш режаси 82 фоздан бажарилибди. Ана шуларнинг биттаси Ўртачирчиқлар. Улар бу соҳадан режаларини 82, 60 фозга етказиб адо этидилар. Бунга қандай қилиб эришилди? Оддий қилиб: гамхўрлик механизаторнинг кайфиятини чоғ этиш туфайли, деб айти оламиз.

Ўртачирчиқликлар олдига йиғинларда, мажлисларда жуда кўп қайд этиладиган "механизацияга эътибор" сўзини "механизаторга эътибор" деб айтишни асосий шор қилиб олдилар. Мавсум олдидан механик — хайдовчилар йиғилиши ўтказилиб, улар билан дилдан суҳбатлашилди, фикрлари эшитилди. Қол — аҳолилар сўралди. Шу кунни хар бир механик — хайдовчининг ками билан бир ойда етадиган рўзгорини бутлаб беришга келишилди. Келишув эртасигаёқ амалга ошди. Албатта, уй — рўзгор ташвишидан кутулган механизатор далада астойдил ишлайди-да, бунинг устига мўмайгина ҳақ ҳам олади.

Биз эришган ютуқларда, — дейди туман ҳокими, — Холмат ака Масодқов бошлиқ фахрийларнинг ҳам хизматини алоҳида таъкидлашимиз керак. Владимир Афанасьев, Холтура Пулатов, Абдурахим Суғров, Мирзаев Рўзиматов... Улар дала ишлари энг қизғин чоғларда йиғим — терим авжга чиққан паллада "қийин" жойларда бўлишиб, ҳам "яхши сўзлари, ҳам бундош ошларни" билан ўтиб — қизларини, хашарчиларни руҳлантириб турдилар. Хуллас, инсон омили хар бир ишда, хар бир соҳада биринчи ўринда турди.

— Ютуқларимиз яна ҳам салмоқли, залворли бўлиши мумкин, — дейди ҳоким. — Бунинг учун биз Президентимизнинг фармонларини, у кишининг кўрсатмаларини оғишай амалга оширишимиз керак. Афсуски, бу соҳада айрим мутасаддилар пайд беришмоқда. Агар банк ҳодимлари тегишли пулларини ўз вақтида етказиб бериб туришганида эди... Бундан ташқари уруғ танлаш, етказиб беришда ҳам муаммолар йўқ эмас. Бу соҳада англисганлар ютказиб қўйишяпти. Олим ва деҳқон ҳамкорлиги амалий бўлиши керак. Олим ўзи етиштирган нави "бор, нима қилсанг қил", деб деҳқонга ташлаб қўямасин, бу навининг истиқболи, самараси тўғрисида деҳқон билан баббаравар жон қойитсан, ҳамкорлик қилсин. Ана шунда ишлар яна ҳам яхши бўлади. Ер, тупроқ шароитига мос, серҳосил, эртагишлар навлар ана шу залда яратилишига қафолат берамиз.

Хўш, мутасаддилар, туман ҳокимлигининг хизмати қандай бўлди, унда? Дала ишларига умумий раҳбарликнинг моҳияти шундай бўлдики, деҳқон ўзи миришкор, пахта илмини яхши билгани, ҳалдини олгани, унга ишонганини, ҳуда-беҳудига безовта қилиб, танбех бериб, асабига тегмаслигини керак. Тўғри-да, мажлис чаккири терасанг, нима кўп, баҳона кўп, истаганча топилади. Ишонч билдирсанг-чи, ўзи учун ўзи ҳаракат қилади.

— Биз эришган ютуқларда, — дейди туман ҳокими, — Холмат ака Масодқов бошлиқ фахрийларнинг ҳам хизматини алоҳида таъкидлашимиз керак. Владимир Афанасьев, Холтура Пулатов, Абдурахим Суғров, Мирзаев Рўзиматов... Улар дала ишлари энг қизғин чоғларда йиғим — терим авжга чиққан паллада "қийин" жойларда бўлишиб, ҳам "яхши сўзлари, ҳам бундош ошларни" билан ўтиб — қизларини, хашарчиларни руҳлантириб турдилар. Хуллас, инсон омили хар бир ишда, хар бир соҳада биринчи ўринда турди.

Бу ўринда таркибда тажрибакор мутахассислар, тумандаги катта — кичик турли хил хизмат кўрсатувчи ташкилотлар вакиллари бўлган махсус гуруҳнинг хизмати ҳам озунча бўлмади.

Бу гуруҳ бутун мавсум давомида даладан чиқмади, ҳисоб. Гуруҳ аъзолари кутлимаганда у еки бу хўжаликка пайдо бўлиб қолмадилар, дала ичига кирдилар, эгатама — эгат юрдилар, гўзанинг ҳолати, ривожини кўздан кечиридилар. Айниқса, саратон кунларида улар тиним билмадилар. Ҳосилни саратонда ушлаб қолмаган деҳқон деҳқон эмас-да.

— Ютуқларимиз яна ҳам салмоқли, залворли бўлиши мумкин, — дейди ҳоким. — Бунинг учун биз Президентимизнинг фармонларини, у кишининг кўрсатмаларини оғишай амалга оширишимиз керак. Афсуски, бу соҳада айрим мутасаддилар пайд беришмоқда. Агар банк ҳодимлари тегишли пулларини ўз вақтида етказиб бериб туришганида эди... Бундан ташқари уруғ танлаш, етказиб беришда ҳам муаммолар йўқ эмас. Бу соҳада англисганлар ютказиб қўйишяпти. Олим ва деҳқон ҳамкорлиги амалий бўлиши керак. Олим ўзи етиштирган нави "бор, нима қилсанг қил", деб деҳқонга ташлаб қўямасин, бу навининг истиқболи, самараси тўғрисида деҳқон билан баббаравар жон қойитсан, ҳамкорлик қилсин. Ана шунда ишлар яна ҳам яхши бўлади. Ер, тупроқ шароитига мос, серҳосил, эртагишлар навлар ана шу залда яратилишига қафолат берамиз.

Шу тарихда гуруҳ аҳолини тақлил этади. Ютуқларни қайд қилади, камчиликларни, муаммоларни ўша жойнинг ўзида бартараф этишга киришилади: чуқки гуруҳ таркибда камчиликларни тутатишга ердამ беришга дахлдор мутахассислар ҳам бўлиб, ўша жойнинг ўзида уларга топшириб берилади, муддати белгиланади, амалда бажарилиши учун сўзлари олинди. Уч — тўрт кун ўтгач, текшириб кўрилади. Хар бир хўжаликда дала ишларнинг аҳоли ана шу усулда назорат қилиниб, тақлил этиб борилаётгани учун гўза парваршишда агротехника тадбирлари маромида амалга оширилиб, мўл ҳосилга кўнама — кун замин яратилди.

Туманда иккита ўқув-тажриба хўжалиги бор. Улар режани бажаролмасдан доғда юришарди. Гуруҳ бунинг сабабларини ўрганиб, авжи чеканка пайтида хатоликларга йўл қўйилганди, деган қарорга келди ва бу тадбирнинг машинада амалга оширилишига ердამ берди. Бу жуда тўғри иш бўлган эди. Ғузлар серҳос, серҳосил бўлиб ўси. Икки хўжаликдан бири режани бажариб, иккинчиси режасини бажаришга интилоқда.

— Бу гуруҳ, — деди туман ҳокими Тўлқин Мирекубов, — то август ойигача дала меҳнатқашларининг ҳолидан хабар олиб турди. Барок иккониятни бой берганлар ҳам йўқ эмас.

Барок иккониятни бой берганлар ҳам йўқ эмас.



• Суратларда: "Қорасув" пахта заводига бунёд этилган бу улкан хирмондан дала меҳнатқашлари яратган мўл ҳосилнинг самарасидир; Хом ашеини сифатли қабул қилиб олишда корхона бош лаборанти Офтобхон Солиеванинг муносиб ҳиссаси бор.

• Чиғирчиқ пахта пункти бу йил туман хўжаликларидан 6,5 минг тонна ҳосилни қабул қилиб олди. Мавсумга йил бошидан оқ тахт қилиб қўйилган бу даргоҳда пахтадан енгиндан хавфсиз, сифатли сақлаш учун тўққиз шарт-шароитлар яратилган. Суратларда (чапдан ўнгга) "Ҳақиқат" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Турдали Усмонов, пункт мудири Болтабой Иброҳимов ва фахрий ишчи Абдуқарим Абдураҳимовлар ўзаро мулоқотда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ суратта олган.

### ОЧИҒИНИ АЙТСАМ...

ОЧИҒИНИ айтиш керак, бир неча йилдан бери ўзимиз шувит бўлиб келарди. "Тажриба хўжалиги" деган ноимиз борлигига қарамай, йиллик режани бажаролмай нуқул ай ҳосил қоларлар эдик. Бу йил фаолиятимизни чуқурроқ тақлил этишга ҳокимлик томонидан тузилган мутахассислардан иборат гуруҳ катта ердამ берди. Улар иш усулибимизда ўзгариш қилиш зарурлигини тавсия этишди. Хўжалик раиси Зокир Пулатов бошлиқ бошқарув аъзолари бригада-ижара услубига ўтишга катъин қарор қилди. Бу усулда хар бир бригаданинг экин майдонлари одамларга бўлиб берилди, лекин, умумий ҳосил учун барча жамоа масъул бўлиб қоларди. Кимдир ерига яхши қарамаса, даромад чоғида бригаданинг бошқа аъзолари ҳам энен кўриши батафсил тушунирилди.

Шундан кейин ишга муносабат ўзгарди. Хар ким, бурчини виждонан бажаролган бўлди. Улар берган иккинчи тавсия алмашлаб экишдаги камчиликни тузатиш тўғрисида эди. Бунга рия қилдик. Техникани ўз вақтида таъмирлаш учун запас қисмлар борасидиги мурожаатимиз ҳам ўз вақтида қондирилди.

Йиғим-терим мавсумида аҳолини бирон маҳсулотга зориктириб қўямаслик чораларини олдидан кўрдик, тадбирлар зое кетмади. Кизгин паллада меҳнатта яроқли инсон борки, ўз ўрнини далада деб билди.

Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтининг талабалари биз билан ена-ен бўлишди. Қисқа муддат ичида 600 гектар майдондан 1500 тонна ҳосил топшириб йиллик пахта тайерлаш режасини ортиги билан адо этдик. Р. Норматов, А. Сулаймонов бошлиқ бригадаларда гектаридан ўртача ҳосилдорлик 28-30 центнерга етди. Катта хирмонга Т. Абдуқаримов, Н. Нуржигитов каби механизаторлар муносиб улуш қўшишди.

Ўзим бошчилик қилаётган бригада эса йиллик режани 115 фоздан ошириб юборди. Терим хали барча бригадаларда кизгин давом этапти.

Ш. ШОҲҲАЕВА,

ТИИМСХ ўқув-тажриба хўжалиги бригадаси бошлиғи.



• Сўз — механик ҳайдовчиларга

## МУАММОНИ ЎЗИМИЗ ҲАЛ ҚИЛДИК

ХўЖАЛИГИМИЗДА хар йили режа бажарилиб келинмоқда. Бу йил ҳам 900 гектар ердан режадаги 2350 тонна ҳосилни анча барвақт териб олдик. Бу ҳосилнинг 75 фозини биз механик ҳайдовчилар йиғиб бердик. Бу билан фахрланасак арийди.

Лекин, бу осонликча бўлмади, албатта. Гап шундаки, йилдан-йилга терим машиналаридан фойдаланиш анча мураккаб бўлиб бормоқда. Хўжалигимиз раиси "Хозирги бозор иқтисоди шароитида муаммоларни рўқач қилиб ўтирадиган пайт эмас. Муаммоларни эндиликда ҳал қилиш йўлларини кўпроқ ўзимиз кидиришимиз керак, имкониятларни ишга солишимиз керак", деб қайта-қайта таъкидлашди. Ўзлари ҳам елиб-юғуриб, эхти-ет қисмларни топиб беришга қўлларидан келганча ердამ бераётдилар. Биз ҳам машиналарни жорий таъмирлаш, иложи бўлса, айрим қисмларни ўзимиз ясаб, қандай бўлмасин машиналардан унумли фойдаланиш чора-тадбирларини кўрляпти. Шунинг учун ҳам бу йилги мавсумда 16та терим машинаси яхши ишлаб турди.

Мазмурият биз механик ҳайдовчиларнинг меҳнатимизни қадрляпти. Моддий ва маънавий рағбатлантиришга катта эътибор берапти. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб, ижтимоий муҳофаза қияпти. Ана шунга яраша биз ҳам аргетатлардан гўят самарали фойдаланишга ҳаракат қилдик ва ўйлайманки, анча дуруст натижага эришидик.

Мен билан бир каторда ҳамкасбим Мўйдин Нурматуллаев ҳам яхши натижага эришди. Мен 120 тонна, у эса 105 тонна пахта териб топширди.

Айни кунларда қолган ҳосилни ҳам тезроқ йиғиб-териб олиш, ҳосилдорликни 27 центнерга, умумий хирмонни эса 3 минг тоннага етказишга баҳоли қудрат ҳисса қўлиш учун ҳаракат қиялтизим.

Т. АКБАРАЛИЕВ,  
"Қорасув" жамоа хўжалиги механик ҳайдовчиси.

## БИЗ бу йил хўжалигимизда деҳқончилик борасида тўб ислохотлар қилдик. Бошқача айтганда ерни ўз эгасига топширдик. Янгича талаб бўйича деҳқончилик хўжаликларини уюшмаси вужудга келди. Мавсумдаги хар бир деҳқон — фермернинг зиммасига тўқин кўйди. Оиласининг курбига қараб биров 4, биров 5, бошқа бир киши эса 6 гектардан ерни шартнома асосида ўзиники қилиб олди.

Расмий ҳужжатда бу жойга қанча пахта экиш, ўртача қанчадан ҳосил олиб бериши, ортиқча ҳосилга қанчадан ҳақ тўлашиши тўла акс этди. Мавсум давомида раҳбарнинг "сен уни қил, сен бунни қил" дейиши еки ишга мажбурлаб чиқарилишига мутлақо ҳожат қолмади. "Ер меники" тўғриси одамларнинг калбига сингиб кетди.

Ғўзага ишлов бериш пайтида деҳқон — фермер ўз оиласидан ташқари, қариндош уруғини ҳам далага жалб

## ШАРТНОМАГА МАРД АМАЛ ҚИЛАДИ

қилиб, ниҳолларни ўтдан тозаллади, яганани сифатли ўтқаэди. Ҳатто баъзилар сугориш ишларини ҳам ўзлари амалга оширдилар.

Раҳбарлик эса деҳқонларни ижтимоий химоялаш, ишнинг боришини умумий назорат қилиш, техника шайлигини таъминлаш билан банд бўлди.

Йиғим-терим олдидан хар бир пахтакор оила, механизаторнинг рўзгори бутлаб қўйилди. Терим бир вақтинг ўзида ҳам машиналар билан, ҳам қўл кучи билан бошланди. Ер эгасининг ўз ҳосилини сифатли топширишга интилиши орди.

Далада 12 та терим машинаси ишлади. Деҳқон фермерларнинг ўзлари ҳам фидойилик кўрсатдилар. Кун сайин суръатга — суръат кўшиб меҳнат қилган Гофир Ахроров, Юсуп Гуломов, Ойпошша Убайдуллаева каби деҳқон Мирзақулов, Гофир Биллиев, Раҳмон Тўхтаев, Камол Жамолов, Ҳаким Хошимов сингари механизаторларни уюшма бошқаруви хар беш кунда рағбатлантириб борди.

Деҳқон-фермерлар ўртасида ҳам муСОбака йўлга қўйилди. Оминахон Кўчқорова, Саодат Аббосова, Мавлуда Мараймова, Хосият Сафаралиева,

қариндош уруғини ҳам далага жалб

# «ЎЗБЕКИСТОННИ УДУРГАТганимиздан бахтиёрмиз»

## XII Осие ўйинларида республикамиз терма жамоалари сафларида қатнашган вилоятимиз вакиллари билан таҳририятда давра суҳбати бўлиб ўтди

**ШУ ЙИЛ 2-16 октябрь кунлари Япониянинг Хиросима шаҳрида бўлиб ўтган XII Осие ўйинларида Ўзбекистон спортчилари жаҳоннинг 42 мамлакатидан иштирок этган жамоалар баҳсида қатнашиб, умумжамоада ҳисобида фахри бешинчи ўринни эгаллашди. Улар жами 40 та (10 та олтин, 11 та кумуш, 19 та бронза) медалларга сазовор бўлдилар. Узоқ кунчиқар жамакатидан ўн марта спортчиларимиз эришган ғалабалари шарафига Ўзбекистон мадҳияси иккерати ва байроғимиз кўтарилди. Осие ўйинларида илк бор қатнашган Ўзбекистон спортчиларининг бу ўйинларда эришган ютуқлари спортимиз тарихида ерқин саҳифалар бўлиб қолади.**

Хиросимада она-юртимиз спорт шайни муносиб ҳимоя қилган республикамиз вакиллариининг 23 нафари Тошкент вилоятидан эди. Улар ҳам командовош дўстлари каби қалбда Ватан туйғуси билан бор маҳоратларини ишга солиб курашдилар, умумий ғалабага ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

етохонада яшашди. — «агарда яқин орада уй олсам, кўнглим хотиржам бўлиб, машқларга янада зўр берардим». — деди сўзини аяқуллаб чемпион.

Вадим ПОПОВ: — Эришган натижамдан ўзим ҳам хурсанд эмасман. Негаки, бироз омад чопганда, олтин медал эгаси бўлардим. Диск улоқтиришдаги шахсий рекордим 59 метр 64 сантиметр. Хиросимада эса 56 метр

Устоз Александр Иванович Бондарев шоғирдининг келажакга катта умид боғламоқда.

Дмитрий ФРОЛОВ: — Ангрнда тугилиб вояга етдим. Ўзбекистон тупроғида улгайдим. Мана, бугунги кунда мента-нон-туз берган юртим — Ватанимни Осие ўйинларида муносиб шарафлай олганимдан бениҳоя мамнунман.

Нокамерликка йўлмуру, оиламиз аъзолари маслаҳатлашиб, Россияга



Суратда: учрашув қатнашчилари.

Давра суҳбатини вилоят жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси Баҳром Гафуров бошлаб берди. У Хиросимада бўлиб ўтган ўйинларда Ўзбекистон спортчилари кўлаги қиритган 40 та медалнинг 11 тасини вилоятимиз вакиллари олиб беришганини ифтихор билан таъкидлаб ўтди. Фақат чирчилик байдаркачи Владимир Казанцевнинг бир ўн 4 та медалга сазовор бўлди. У аввалга командовош дўстлари Иван Киреев, Андрей Калтанов ва Анатолий Тюрин билан биргаликда минг метрга байдаркада бўлган баҳсида асосий рақиблари Хитой ва Жанубий Корея командаларини ортада қолдириб, олтин медал эгаси бўлишди. Шунингдек, Владимир Казанцев 500 метрга икки кишилик, шу масофага тўрт кишилик ва минг метрга жуфтлик мусобақаларида ҳам кумуш медаллар билан тақдирланди. Янгитанлик билан тақдирланди. Янгитанлик билан тақдирланди. Янгитанлик билан тақдирланди.

Владимир КАЗАНЦЕВ: — Энг аввало, муқтакил Ўзбекистон спортини муносиб ҳимоя қила олганимдан, она-юртимизни удулғашга озгина бўлса-да, хисса қўша олганимдан ўзимни бахтли деб биламан. Тўртинчи олтин, 3 та кумуш медалга сазовор бўлдим. Бунда командовош дўстларимнинг катта хиссасини таъкидлаб ўтганини истардим. Айниқса, олтин медал катта кийинчилик билан кўлга киритилди. Бунда кураш Хитой ва Жанубий Корея жамоалари билан бўлди. Энг сўнгги дақиқадагина голлиб келганимизни англаб етдик ва ўша пайтдаги кувончимни нақадар чексизлигини билсангиз эди. Бундан кейин ҳам Ўзбекистон спортини улуғлаш учун ҳаракат қиламан.

Владимир Казанцев асли чирчилик. Турмуш ўртоғи ўтга чидамли ва каттиқ қотишмали металлор комбинатида ишлайди. Татьяна исмли еттинчи ойлик фарзандлари бор. Оилавий

78 сантиметр натижа кўрсатди. Олтин медалга сазовор бўлган хитойлик спортчининг натижаси 58 метр 78 сантиметр. Яъни менинг шахсий рекордимдан салкам бир метр паст. Билмадим, бир кун аввал ўтказилиши лозим бўлган саралаш баҳсларини кўчиришгани руҳий таъсир қилдики, ҳар ҳолда, мусобақа пайтида ўзимни алланечук сездим. Биринчи уринишларимиздак эришган натижамни кейинги беш марта бажарган ҳаракатимда ҳам тақдорлай олмадим. Маълумки, барча ҳаракатларда кўрсатишган натижаларининг энг яхшиси ливарвард ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт олийгоҳи талабаси бўлган Вадим Попов спорт билан ўн йилдан бери шуғулланиди. Усирилар ўртасида собиқ Иттифок биринчиликларида голлиб келган. Шу йил апрель ойида Банкожда бўлиб ўтган халқаро турнирда диск улоқтириш ва ядро иргитишда биринчи ўринни эгаллади. Бўйи 193 сантиметр, вазни 106 килограмм.

халқаро турнирда ҳам муваффақиятли иштирок этдим. Утган йили Туркияда бўлган «Олтин апельсин» халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этиб, бронза медали совриндори бўлдим.

Биринчи оғир вазнлар баҳсида Осие ўйинларида қатнашган ангрландик Дмитрий Фролов икки курашда 367,5 килограмм (165+202,5) вазнида бронза медали совриндори бўлди. Унинг шахсий рекорди 380 килограмм тенг. Олтин медал билан тақдирланган қозғонгон оғир атлетиканиннинг кўрсатган натижаси эса 377,5 килограмм бўлди.

Халқаро турнирда ҳам муваффақиятли иштирок этдим. Утган йили Туркияда бўлган «Олтин апельсин» халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этиб, бронза медали совриндори бўлдим.

Биринчи оғир вазнлар баҳсида Осие ўйинларида қатнашган ангрландик Дмитрий Фролов икки курашда 367,5 килограмм (165+202,5) вазнида бронза медали совриндори бўлди. Унинг шахсий рекорди 380 килограмм тенг. Олтин медал билан тақдирланган қозғонгон оғир атлетиканиннинг кўрсатган натижаси эса 377,5 килограмм бўлди.

**Сўхбатдошлар Ш. УМУРЗОҚОВ, З. ЖҲРАЕВА, М. ОБИДОВА.**

### Адабий меросимизни ўрганамиз

## ҲАЖВЧИ ШОИР ЭДИ



Абдулхамид Маждий 20-йилларнинг бошларида ўзбек адабиётига кириб келган Чўлпон, Фитрат, Элбек, Усмон Носир каби муътабар ижодкорлар қаторида турувчи машҳур шоир ва таникли драматург эди. Унинг кўп киррали ижодиётига назар ташлар экансиз, бу инсоннинг маҳоратли саҳна режиссерлигини ҳам, мумтоз адабиётимиз, шахсан Шарк адабиётининг илмий жиҳатдан бақувват тадқиқотчиси даражасидаги олимлигини ҳам, ҳажвий ҳикоячиликнинг етук ижодкори эканлигини ҳам, ташкилотчи журналистик кирраларини ҳам кўрасиз.

Абдулхамид Маждий 1901 йилда Самарқандда Каттақўрғоннинг марказида тугилди. Унинг отаси катта нуфузга эга бўлган руҳоний-деҳхон, онаси эса эскича билимли, ифбатли уй бекаси эди. У дастлабки таълимни ўз уйида онаси қўлида, сўнгра тоғаси — катта шоир ва муаллим Абдували акадан олди. Каттақўрғондаги рус — тузем мактаби ва эски мактабларда ўқиб, саводини чиқарди.

Тоғаси ва бошқа мумтоз адабиётнинг етук билимдонлари кўмағида Шаркнинг буюк алломалари — Фирдавсий, Саъдий, Хофиз Жомий, Бедил, Фузулий, Навоий, Машраб, Хусрав Дехлавий, Зебуннисо, Нодира каби мутафаккирларнинг ижодлари билан танишди. Форс ва араб тилларини кўнг билан ўрганди.

Ўз устида сабот билан изланган бўлажак шоир 1918 йилда атоқли олим Нуриддин Муродов томонидан Каттақўрғонда очилган Навоий номидаги ўрта мактабда ўқиб, сўнг ўша ерда тил ва адабиётдан дарс бера бошлади. Кейинроқ профессор Нуриддин Муродовнинг кўмағи ва ердами билан Педакадемияга кириб ўқиди. Бу ерда машҳур филолог — шарқшунос профессорлар Е. Поляванов, Фитрат, Ғози Олим, Абдурахмон Саъдий, Чупонзода, М. Самойлович кайлардан ҳам таълим олди.

У мактаблар, турли газеталар ва журналларда фаолият кўрсатиб, қатор шеърлар, ҳикоялар, публицистик ва илмий мақолаларини эълон қилиб борди. «Зарафшон», «Озод Бухоро» газеталарига бош муҳаррир бўлди. «Машраб» ва «Мушум» сатирик журналларини ташкил этишда иштирок этди ва бу журналларда ишлади. Қизил Ўзбекистон газетаси ва «Аланга» журналинда ҳам меҳнат қилди.

Унинг дастлабки шеърлари 1920 йилдан «Зарафшон» газетаси саҳифаларида кўрина бошлади. Адабиётга аруз вазида битилган гоъвий баркамол ва бадиий юксак ҳажвий ва сатирик шеърлари — газаллари билан кириб келди. У маҳоратли ҳажвчи ва сатирик шоир бўлганлигидан ҳам асарлари остига «Абутанбал», «Чакчок», «Каттақўрғоний» сингари иъзо — таҳаллусларни кўярди.

Абутанбал — Маждий катта режиссер сифатида Ҳамзанин «Ифрат турбуллари», «Сайлов олдиди», Яшнингин, «Тенг тенги билан», Жаъфар Жабборнинг «Ойдин», Мушур Козимийнинг «Кўрқинчли теҳрон» каби пьесаларини биринчи бўлиб сахналаштирган эди.

У ўзининг «Ок олтин», «Варка ва Гулшоҳ», «Отсиз» сингари ўнга яқин мусиқали драмаларини эди. Унинг каламига мансуб бўлган ўнлаб ҳажвий ва сатирик ҳикоялар ўша даврнинг иллатлари устидан истехзо билан қўлган асарларидир.

Шу билан бир қаторда шоир ва олим Абдулхамид Маждий Навоий ва Фузулий, Зебуннисо ва бошқа мумтоз адабиётимизнинг арбоблари хусусида илмий мақолалар эълон қилган етук илмий тадқиқотчи ҳам эди.

Абдулхамид Маждий ўзининг қисқа ва бой ижодиёти давомида юздан ортик газал, сатирик ва юмористик шеърлар, эллика яқин турли мавзуларда бадиий баркамол ҳикоялар, ўнлаб публицистик мақолалар, фелетонлар, қолаверса адабиётшуносликка доир йиғирмага яқин илмий мақолалар ҳамда форс тилларидаги ўзбекчага ағдарилган ўнга яқин асарлар қолдирган улуғ езувчи эди. Унинг ижодкор сифатидаги бадиий кучи ва тафаккур қобилияти ўша 20 ва 30-йилларнинг энг нуфузли езувчилари Чўлпон,

Фитрат, Абдулла Қодирий, Шокир Сулаймонов, Элбек, Усмон Носир, Сотти Хусайн, Отажон Хошим кайлар билан беллаша оладиган даражада эди. Шундан бўлса керак, 1937 йили жумҳурият Езувчилари уюшмаси топишириги билан Ўзбек халқининг бутун руҳияти, турмуш тарзи тасвирига бағишланган дoston езишни уч кишига — уч баркамол шоирга топширилган эди. Асарнинг биринчи қисми «Ўзбекнома»ни 83 банд ҳажмида шу муътабар шоир эди. Қолган қисмлар Ойбек ва Гафур Гулом томонидан битилган эди.

Ўзбек халқининг ана шундай буюк бир шоири ва езувчиси 1938 йили «Миллатчи-пантуркист, шўроларга қарши, аксинликчилобчи» сифатида қамокка олиниб, 1939 йили отиб ташланди. Лекин, унинг асарлари ҳамон халқ орасида яшаб келмоқда. Қуйида биз унинг бир ҳажвий шеърини эътиборингизга ҳавола этамиз.

**Ҳайларли УЗОҚОВ.**

### Абдулхамид МАЖДИЙ ШЕЪР ҶҲРИСИ

«Озод Бухоро» газетасининг «Қармоқ» бўлимида Тўртқўзон таҳаллули билан менинг «Бойларнинг ҳасрати» шеърим ўқилди.

Кўп эди дунда дўкон бирла омор ўғриси, Нукрао олтин, бриллиант, дуру шавҳор ўғриси, Салла, телпақ, дўпни, куйлак бирла чалвор ўғриси, Ҳам боғич, тугма, ека — энг, халқа, тумор ўғриси, Йўқ эди елғиз бу дуне ичра ашвор ўғриси.

Шукрим, чикди яна бир шоири боши сомон, «Бетаҳорат» майли айтаск, олгари «Тўртқўзон», Шеър езмокка экан курғур жуда беустихон, Чунки нарсини бир тегирмон нафсидан баттар емон, На ўроқда, на машоқда, аммо кирвор ўғриси.

Бир киши бир нарса елзгонда қўли минг товланар, Дард ёл туққан хотин янглиг ҳазорон тўлганар, Ўлкасининг қонидан бир парча гул хосил қилар, Бошқа бир одам келиб ердан ўшал гўли олар, «Тўртқўзон»дек чуюк бошининг хушер ўғриси.

Бурноғи йил хаста Танбал қилгон эрди бир амал, Яъни елгон эрди бойларнинг тилидан бир газал, Шулар газалин «Тўртқўзон» ўз отига қилгон бадал, Бузмаган бир сатрининг ҳам яримсини лоқал, Кўрмалдин дунда бундоқ катта бозор ўғриси.

Турфаси шул ердаги «Қармоқ» тоға бузмай пинак, Ўғрининг оғига қармоқ ташламай, қилмай халак, Оегин келтирмайин қулдан мисол чархфалак, Тескарисинча у одамга очиб катта йўлак, Билганини қилгон ул кунжақнинг бекор ўғриси.

Танбало, нафсинга берглик бир шиқаст, чиксин кўзи, Мушт била ургилик, тандирдек қизиб кетсин юзи, Қилмагин асло тараххум, ўқсин онинг юлдузи, Ўлса ўқсин, нафас, аммо кетмасин сўзининг тузи, Бўлмағил «Тўртқўзон» каби дунда ашвор ўғриси!!!

1927 ЙИЛ.

**ВАЗНА ҚАРАБ ҲАҚ ТўЛанади**

• БРАЗИЛИЯ жанубининг қатор шаҳарларидаги кинотеатрлар эгаси бўлган Марио Кучера залларига кўпроқ томошабинларни жалб қилишнинг қизқинчли усулини жорий қилди. Патта ҳақи пули ташриф буюрганнинг вазнига қараб белгиланадиган бўлди. Бунинг учун бевосита касса внида ҳар бир томошабин оғирлигини аниқлаш учун тарози ўрнатилди.

Ғалати бу тадбир муваффақият келтирди. Ҳар бир килограмм вазни учун томошабиндан бир кўр узудодан олинди. Узини турткиздиш учун тарози олдига турганларнинг ҳафийяти яқин бўлади, ҳазил-хузул авжига чикади. Шу сабабни уларнинг сонин уч барабар қўлади. Айниқса, эрталбик савансларга келувчилар ордин, чунки, бу вақтда болалар кўпроқ келадиган бўлди. Илгари 60-80 крузудо турадиган оддий чиптани сотиб ололмайдиган болалар ҳам кинотеатрларини арзон-гаровга бемалоқ томоша қилиш имконига эга бўлишди.

**МОТОРЛИ ПАРАШЮТ**

• БУНДАЙ парашют паралпан деб аталди. Унинг келажак яқин бўлади, дейишмоқда. Бу унчи

**ДОНОЛАР ДЕЙДИКИ...**

- Тўғрилиқ учун қурбон бўлиш — елғочни бўлиб узоқ умр кўришдан кўра хайрлидир.
- Инсоннинг доимий гўзаллиги ва латофати ҳаёдир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасадаг ўхшабди.
- Мажбур этиш йўли билан ўз танангни итмоғини ва уни мақсадга мувофиқ қилиб бўйсунтирса ўргат. Ялқовлик — танни шиддан чиқаради.
- Меъеридан ўтиб кетса, энг еқимли нарса ҳам энг еқимсиз бўлиб қолади.
- Демокрит.
- Кимки нокас билан ҳамтовоқ бўлса, минг бор қилган шарофатини ҳам касофат босади.
- Бобораҳим Машраб.
- Атрофинда бўлган одамлардан ҳар бирининг ҳолини сина ва уни ўз ҳолинг билан таққосла, агар у бахтиёр одам бўлса, сен ҳам унга ўхшаш бахтиёр бўлиш учун ғайрат қил.
- Ҳадлод.

**ФАХРИЙЛАР — ТАЯНЧИ**

Чиноз тумани мудофға бўлими жамоаси 1941-1945 йиллардаги ўрушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанин 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ҳозирдан тайёргарлик ишларини бошлаб юборди.

— Чинозда, — дейди туман мудофға бўлими бошлиғи, майор А. Б. Худойбердиев, — 572 нафар уруш фахрийлари яшади. Улар билан мактабларда, бўлимиимизда тез-тез учрашувлар уюштирялмиз. Яқинда «Чақиривувишлар кунини» нишонладик. Унга уруш фахрийларини тақдиф этдик. Улар йиғилганлар билан жанг хотираларини ўртоқлашдилар ва ҳозирги кундаги ҳарбий хизматининг зарурийлиги хусусида алоҳида тўхтадилар. Уша кунни фахрийларга «Шухрат» ва «Жасорат» медалларини топширдик.

**Т. ЭРХУЖАЕВ.**

**ЖАЗОИР МАДҲИЯСИ ЯНГРАДИ**

Республика киночилар уйда Жазоир халқ инқилобининг 40 йиллигига бағишлаб Жазоир киноси кунлари ўтказилди. Республика кинематографилар уюшмаси Жазоирнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси билан ҳамкорликда уюштирган бу тадбирда жазоирлик кино усталари яратган «Шайх Буама жасорати» ҳамда «Жазоир учун жанг» фильмлари намойиш этилди. Мазкур киноасарларда жазоир халқининг ўн тўққизинчи асрнинг охиридаги эрқ учун кураши ҳамда 1954 йил 1 ноябрда бошланган халқ озодлик ҳаракати воқеалари акс эттирилган. Кино кунларининг очилишида Жазоир Халқ Демократик Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги факултетада ва муктор элчиси жаноб Бенамер Моханд Ахли иштирок этди.

(ЎЗА муҳбири).

**ЭЪЛОНЛАР**

196- уй-жой ширкатининг думалоқ муҳри ва бурчақли штатми йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛНАДИ**

ТТМУ томонидан Файзакова Ирина Рафиқовна номига 1980 йил берилган ВТ-1 №523325 рақамли диплом

**БЕКОР ҚИЛНАДИ.**

Миробод туманига қарашли «Исток» кичик корхонаси

**ТУГАТИЛАДИ**

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Чилонзор туманидаги МТБ «БИНАН» тижорат фирмаси

**ТУГАТИЛДИ**

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги шох кўчаси, 8-уй.

**ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ДИҚҚАТИГА!**

«Зенит» корхонаси оталигидати Тошкент радиотехника лицейи ўрта маълумотга эга бўлганларни қўшимча қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқиниша тақдиф қилади: Радиоэлектрон апаратура ва асбоблари монтажчиси, ўқиш муддати 10 ой. Радиотелеаппаратураларни сошлаш ва таъмирлаш бўйича радиомеханик курси, ўқиш муддати 5,5 ой. Электротиз пайванчилари, ўқиш муддати 5 ой. Ўқиш гуруҳлар тўлишига қараб бошланади. Бизнинг манзилимиз: Тошкент, Юнусобод тумани, Муродов кўчаси, 9-уй. Автобуслар: 67 «тезроар» (8-автокорхона), 83 («5-болалар касалхонаси» бекати). Троллейбуслар: 25, 26 («5-болалар касалхонаси» бекати).

**Телефонлар: 23-10-71, 23-11-73, 23-10-72.**

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ** • **ТОШКЕНТ НАҚИҚАТИ**

**Муассис:** ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Мухаррир: **Фатҳиддин МУХИДДИНОВ**

Манзилимиз: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: **хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48** Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• МАҚОЛАЛАР, ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАРДАГИ ФАҚТ ҲАМДА ДАЛАИЛИКНИНГ Тўғрилиги учун МУАЛЛИФЛАР, РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН БЕРУВЧИЛАР МАСЪУЛДИР. • Фойдаланилмаган МАҚОЛАЛАРГА ЕЗМА ЖАВОБ ҚАЙТАРИЛМАЙДИ.